

Юксак маънавият орқали юксак таракқиёт сари

- [Jismoniy tarbiya instituti](#)

Маънавий қадриятлар, миллий урф-одат ва анъаналаримиз шаклланадиган тарбия ўчоғи бўлмиш оиланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, унинг юксак маънавиятли, масъулиятли комил инсон тарбиялашдаги ролини кучайтиришга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти “Ўзбек ва чет тиллари” кафедраси томонидан, Қ. Зарипов кўчасида жойлашган талаба қизлар турар жойида “Соғлом бола йила” муносабати билан “Юксак маънавият орқали юксак таракқиёт сари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда институт ўқитувчилари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича масъул ходимлар ҳамда талаба ёшлар иштирок этди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги ишларда ҳар биримиз фаол ва муносиб иштирок этишимиз лозим. Оила аталмиш муқаддас даргоҳда келажагимиз эгалари тарбия топади. Ёшларни жамият таракқиёти ва юрт фаровонлигига нафи тегадиган комил инсонлар қилиб тарбиялашда оила асосий пойдевор саналади, — деди институтнинг “Ўзбек ва чет тиллари” кафедраси доценти Дилдора Ярашева.

Тадбирда сўзга чиққанлар оила институтининг мустаҳкамлиги, унинг эзгу қадриятлари, узвийлигини таъминлаш борасида белгиланган муҳим вазифалар, биринчи галда, маънан ва жисмонан етук, баркамол фарзандларни камол топтиришга, мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг фаровонлигини ошириш, жамиятдаги ўрнини юксалтириш, ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлашди. Ёшлар томонидан оила институтини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ёш оила вакиллари ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қизгин баҳс-мунозара тарзда ўтган давра суҳбати якунида оила институтини мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда институт томонидан амалга оширилаётган амалий ишларни кенг тарғиб қилишда бу каби тадбирларни кўпроқ ўтказишга келишиб олинди.

Феруза ЮСУПХОНОВА,

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти

“Ўзбек ва чет тиллари” кафедраси ўқитувчиси.